

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯҚУБОВА МАТЛУБА ТАЖИБОЕВНА

**ЭРКИН САМАНДАР ШЕЪРИЯТИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ихтисослик: 10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Якубова Матлуба Тажибоевна Эркин Самандар шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари.....	3
Якубова Матлюба Таджибоевна Лингвопоэтические особенности поэзии Эркина Самандара.....	33
Yakubova Matluba Tajiboevna The linguopoetic features of Erkin Samandar's poetry.....	65
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	70

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯҚУБОВА МАТЛУБА ТАЖИБОЕВНА

**ЭРКИН САМАНДАР ШЕЪРИЯТИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ихтисослик: 10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Fil1429 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fil-ik.urdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сариев Санъатжон Матчонбоевич,
филология фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар:

Жуманазарова Гулжаҳон Умрзоқовна,
филология фанлари доктори, профессор,

Норбаева Шукуржон Хайитбаевна,
филология фанлари номзоди, доцент.

Етақчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 Илмий кенгашининг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)



З.Дўсимов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор.

С.М.Сариев,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, доцент.

А.Д.Ўразбоев,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б., филология фанлари доктори, доцент.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон пунослигида тил бирликларининг лингвопоэтик жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бири сифатида тилшуносларнинг ҳам, адабиётшуносларнинг ҳам эътиборини жалб қилиб келмоқда. Бадиий асар матнига лингвопоэтик жиҳатдан ёндашув мазкур йўналишни алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганишга кенг йўл очиб берди. Лингвопоэтик тадқиқ дастлаб шеърят мисолида амалга оширилган, кейин эса таҳлил усуллари насрга кўчирилган. Кейинги йилларда лингвопоэтик таҳлил усуллари тилнинг функционал услубига¹ нисбатан қўллана бошланди. Лингвопоэтик ҳодиса адабий тил меъёрлари доирасида бўлишини назарда тутмоғимиз лозим. Нутқ воситалари тизимининг тарихан шаклланган кўринишлари амалда мавжуд бўлиб², улар адабий тилнинг турли кўринишларини ҳосил қилади. Бугунги кунгача олиб борилган тадқиқотларда асосий эътибор эстетик таъсир кучини сўз орқали ифодалашга қаратилган бўлиб, турли жанрдаги бадиий асар матнини лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганиш у ёки бу стилистик усулларни ва тил воситаларини шунчаки аниқлашга қаратилмаган. Мазкур соҳадаги лингвопоэтик тадқиқотларнинг асосий йўналиши ва мақсадларидан бири ҳам у ёки бу тил элементларининг стилистик эффектини ҳосил қилиш ва бадиий мазмунни китобхонга етказишдан иборатдир. Шу маънода, муайян адиб асарлари тилидаги поэтик жиҳатдан актуаллашган бирликларга лингвопоэтик нуқтаи назардан ёндашиш бетақрор она тилимизнинг ифодавийлигини ёритиб берувчи тадқиқотларнинг янада илмий жиҳатдан асосли бўлишига хизмат қилади.

Дунё тилшунослигида бадиий матн лингвопоэтикасини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларининг тарихи санскрит тилшунослигига бориб тақалади. Санскритча матнларда мазмундан кўра шаклга кўпроқ эътибор қаратилгани мутахассислар томонидан эътироф этилади. Бу хусусият ўз даври учун матннинг адабий тил меъёрларига риоя қилганини кўрсатади. Санскрит матнларида шеърга хос ритм ҳар қандай турдаги ва жанрдаги асарларга татбиқ қилинган. Санскритча матнлар аксарият ҳолларда шеърини матн деб ўқилган ва тилшуносликда ҳамда “Авесто”да “сўз *тепиш*” (*vācas takṣ*) термини билан аталган³. Бундан маълум бўладики, сўз матнда бадиий вазифа бажариши эътиборга олинган ва шунга кўра матннинг асосий мақсадини намоён қилган. Санскрит поэтикаси Европа шеърятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, Францияда ўрта асрлар шоирларини “қофия тизувчилар” номи билан атаганлар.⁴ Лингвопоэтика тилнинг эстетик вазифаларига алоқадор ҳодиса сифатида Шарқда қадимдан амал қилиб келади. Айни пайтда

¹Мурот В. П. Функциональный стиль // Лингвистический энциклопедический словарь. –М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 567.

²Мишанкина Н. А. Метафора в науке: парадокс или норма? –Томск: Изд-во Том. ун-та, 2010. – 282 с. ISBN 978-5-7511-1943-0.

³ Гринцер П.А. Литературы древности и средневековья в системе исторической поэтики [\Историческая поэтика. Итоги и перспективы.](#) – М.: Наука, 1986. – С. 75.

⁴ Гринцер П.А. Кўрсатилган мақола. Ўша бет.

лингвистик материални поэтик тилнинг бир кўриниши сифатида баҳолаш мантиқан ўринлидир.⁵

Ўзбекистонда илм-фан соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, айниқса, ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, унинг нуфузи ва мавқеини кўтариш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол қўлланишини таъминлаш бўйича қабул қилинган қатор қонун ҳамда қарорлар ўзбек тилини илмий ўрганишни янги босқичга кўтариш заруриятини юзага келтирди. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаши, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»⁶ деган фикри тадқиқотимизга муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. Халқ ва миллат маънавияти юксалишига ҳамда тилимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган ўзбек адиблари асарлари тилини ўрганиш давр тақозосига айланмоқда. Бу борада Хоразм адабий муҳитининг етук вакили Эркин Самандар шеърини тили она тилимизнинг бетакрор эстетик жилосини, шунингдек, лингвопоэтик хусусиятларини очиб бериш жиҳатидан жиддий ўрганилишга муносибдир. Эркин Самандар ўз ижоди билан ўзбек маданияти, маънавиятига катта ҳисса қўшиб келаётган етук ижодкорлардандир. Шоир ўз ижодида халқимизнинг юксак маънавияти, миллий тафаккури, руҳиятини ўзбек тили имкониятлари воситасида маҳорат билан ёритиб бера олган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Эркин Самандар шеърини тилини лингвопоэтик жиҳатдан илмий асослаш миллий тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги ВМҚ-222-сон «2010-2020 йилларда «Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш,

⁵ Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун қаранг: Тамарченко Н.Д., Тюпа В.И., Бройтман С.Н. Теория литературы. В двух томах: Учебное пособие. – М.: Академия, 2004. – С. 136.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. lex.uz/docs/4561730

тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу диссертация ишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунё филологларининг диққат марказида бўлган бадиий матндаги лингвопоэтик бирликларнинг ўрни масаласи тилшуносликда алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу борада жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам муайян тадқиқотлар амалга оширилган.

Бадиий матнни лингвистик аспектда ўрганиш муаммоси чет эл тилшунослигида анча илгари бошланган⁷. Чунончи, жаҳон тилшунослигида В.В.Виноградов, В.Я.Задорнова, А.А.Липгарт каби олимларнинг лингвопоэтик ёндашувдаги ишлари ва фундаментал тадқиқотлари⁸ бу соҳадаги диққатга сазовор ишлардандир.

Бадиий матнга лингвостилистик ёндашув ва тил бирликларининг образлилик ҳосил қилиши лингвопоэтиканинг асосий хусусиятларидан бири экан, стилистик воситалар ва уларнинг матнга бадиийлик бағишлаши ҳам бизнинг тадқиқот объектимиздан ташқарида эмас. Лингвопоэтика фақат замонавий адабий матнларгагина татбиқ қилинадиган лингвистик жараён эмас, балки бадиий матн бор экан, лингвопоэтика объект сифатида фан оламига кириб келади. Жумладан, қадимги туркий ёдгорликлар⁹, шунингдек Алишер Навоий¹⁰ асарларидаги лингвистик қонуниятлар асосида пайдо бўлган

⁷ Қаранг: Дресслер В. Синтаксис текста. // Новые в зарубежной лингвистике, вып.8. –М.: Прогресс, 1978; Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. – Л.: Наука, 1973; Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.: АН, 1963; Он же. О теории художественной речи. –М.: ВШ., 1971; Жирмунский В.М. Теория литературы, поэтика. Стилистика. –М.: Наука, 1973; Винокур Г.О. О языке поэтической речи. –М.: В.Ш., 1991. Буало Н. Поэтическое искусство. – М.: Гослитиздат, 1957; Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. –М.: Просвещение, 1961; Исследования по поэтике и стилистике. –Л.: Наука, 1972; Поэтика и стилистика русской литературы. – Л.: Наука, 1971; Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. –М.: Наука, 1986; Ибраев Л.И. Слово и образ. К проблеме соотношения лингвистики и поэтики. // Филологические науки. –М.: ВШ., 1981. – №1. –С.18-24. и др.

⁸ Виноградов В.В. Избранные труды. О языке художественной прозы. –М., 1980. –360 с; Шу муаллиф. Итоги обсуждения вопросов стилистики. –М., 1986. – С.117-189; В.В.Виноградов. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. –М., 1963; Ўша муаллиф. Проблемы русской стилистики. –М.: «Высшая школа», 1981; Задорнова В.Я. Словесно-художественное произведение на разных языках как предмет лингвопоэтического исследования: Дисс. ...докт. филол. наук. –М., 1992. –152 с. Шу муаллиф. Слово в художественном тексте// Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей // Отв. ред. В. В. Красных, А. И. Изотов. – М.: МАКС Пресс, 2005. – С.115-125; Липгарт А.А. Лингвопоэтическое сопоставление: теория и метод. –М., 1994. –276 с; Шу муаллиф. Лингвопоэтическое исследование художественного текста: теория и практика: Дисс. ... докт. филол. наук. – М., 1996. – 656 с.

⁹ Рахмонов Н. Поэтика памятника Кюльтегина: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1984. – С 8.

¹⁰ Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

бадий санъатларнинг шаклланиши ва ижодкорнинг сўз қўллашдаги маҳорати масалалари ҳам ўзбек тили ва адабиётида лингвопоэтик ҳодиса сифатида узок тарихга эга эканини кўрсатади.

Ўзбек тилшунослигида бадий асар тилини лингвистик аспектда ёки лингвопоэтикани алоҳида йўналиш сифатида ўрганиш борасида ўтган асрнинг охиригача чорагидан бошлаб анчагина ишлар амалга оширилди¹¹. Жумладан, бу борада Р.Қўнғуров, С.Каримов, Б.Умрқулов, Б.Йўлдошев, И.Мирзаев, М.Йўлдошев, Д.Шодиева, Г.Муҳаммаджонова, Х.Ибрагимов¹² ва бошқа бир қатор тилшуносларнинг тадқиқотлари лингвопоэтика соҳасида амалга оширилган жиддий ишлардандир. Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлили бўйича мустақиллик йилларида Д.Худойберганова, Ш.Абдиназимов, Г.Жуманазарова, М.Йўлдошев, Д.Анданиязова¹³ каби тадқиқотчилар томонидан эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Аммо, айтиш жоизки, Эркин Самандар шеърияти тилининг лингвопоэтик хусусиятлари бўйича ўзбек тилшунослигида махсус монографик тадқиқотлар амалга оширилмаган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Эркин Самандар шеъриятининг лингвистик тадқиқи миллий тикланишда юксалиш сари бораётган фанмиз учун муҳимдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Урганч давлат университетининг “Ўзбек тилшунослигининг долзарб

¹¹ Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. –Т.: Фан, 1975; Махмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишлар лингвопоэтикаси. // Ўзбек тили ва адабиёти”, 1985. – №6. – Б. 48-51; Яна ўша муаллиф: Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т.: “Миллий кутубхона”, 2007; Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Т., 1967; Ўринбоев Б. Функционал услубият ва унинг моҳияти. –Т.: Фан, 1992; Яна ўша муаллиф. Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи. I қисм. –Самарқанд: Университет, 2006; II қисм. –Самарқанд: Университет, 2006; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. –Т.: Фан, 1987; Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. –Т.: Ўқитувчи, 1995; Омонтурдиев А. Эвфемик воситаларнинг функционал –услубий хусусиятлари: Филол. фанлари докт. ... дисс. –Т., 1997; Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. –Т.: Ўқитувчи, 1996; Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фанлари докт. ... дисс. –Т., 1998; Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фанлари докт. ... дисс. –Т., 1999; Умиров И. Ўзбек тили парафразалари. –Т.: ТДПУ нашриёти, 2004; Йўлдошев Б., Қурбонов Т. Бадиий асар тили ва услуби масалалари. – Самарқанд: Университет, 2007; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. –Т.: Фан, 2005; Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т.: Фан, 2007; Яна ўша муаллиф. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Т.: “O`zbekiston”, 2019. ва б.

¹² Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик-стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. д-ри ...дисс. – Т., 1994; Умрқулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1983; Йўлдошев Б. Стилистический анализ узбекской художественной прозы. – Т., Ўқитувчи, 1989; Мирзаев И., Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида): Филол. фан. д-ри ...дисс. – Т., 2000; Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фан. д-ри ...дисс., 2007; Г.Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири – 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ...дисс. – Т., 2004.

¹³ Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ...дисс. –Тошкент, 2015; Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент, 2007. –Б. 91; Шу муаллиф. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент: Фан, 2008. – Б. 111; Шу муаллиф. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. номз ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 126; Шу муаллиф. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ...дисс. –Тошкент, 2009. –314 б; Шу муаллиф. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –256 б; Анданиязова Д. Бадиий матнда ономастик бирликларнинг лингвопоэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 140; Шу муаллиф. Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи. – Тошкент: «Turon zamin ziyo», 2016. –207 б; Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: «Turon zamin ziyo», 2016. – 131 б.

муаммолари” мавзусидаги илмий–тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Эркин Самандар шеърий асарларида ўзбек тили имкониятларидан бадиий мақсадда фойдаланиш масаласини тадқиқ этиш, шоир асарлари луғат бойлигининг функционал-семантик хусусиятларини кўрсатиш, ижодкорнинг адабий-эстетик қарашларини бадиий воситаларга таянган ҳолда ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- шоирнинг фонопоэтик ва лексик ресурслардан фойдаланиш маҳоратини ёритиш;
- Эркин Самандар лирикасининг лисоний хусусиятларини семантик, ифодавий ва функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш;
- адибнинг морфологик ва синтактик ресурслардан истифода этиш маҳоратига баҳо бериш;
- бадиий тасвир воситаларининг шеърий матндаги табиатини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шоирнинг “Менинг йигит вақтим” (1979), “Бу боғни қайси боғ дерлар” (1982), “Баҳор окшомлари” (1984), “Юракка йўл”, (1990), “Аму жилолари” (1966), “Вафо деган гавҳар”, (1975), “Дунёнинг ёшлиги” (1970), “Назм нафаси” (2015) каби шеърий тўплам ва асарларга киритилган лирик мероси олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек тили лисоний имкониятларининг Эркин Самандар шеъриясида бадиият яратишдаги роли ва ўрнини таҳлил қилиш, шеърий нутқ ва халқ сўзлашув тили муносабатларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий-қиёсий, семантик-структурал, қиёсий-типологик, этнофольклористик, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- товуш уйғунлиги ва ритм асосида шаклланадиган аллитерация ва бошқа фонопоэтик ҳамда фонографик воситалардан фойдаланиш Эркин Самандар шеърияси лисоний-бадиий хусусиятларининг ўзига хослигини таъминлаганлиги асослаб берилган;
- Эркин Самандар шеъриясида тилнинг чегараланган лексикасига, яъни диалектизм, архаизм, историзмларга мурожаат қилиш бадиий матнда маҳаллий колорит, тарихий воқеликни жонли лавҳаларда тасвирлашга асос бўлганлиги ва шоир шеъриясида ишлатилган маънодош, шаклдош ва зид муносабатли лексик воситаларнинг ўрни ҳамда линвопоэтик вазифаси далилланган;
- шоир шеъриясидаги морфологик бирликлар ва синтактик воситалар, яъни риторик сўроқ, мурожаат ва хитоб шакллари шеърият оҳангдорлигини ва контекст мазмунини таъминлашдаги эстетик вазифаси аниқланган;
- шоир шеъриясидаги нутқни равон қилувчи, салмоқдор маъно ташувчи сўзни зарур ўринга чиқариш имконини яратувчи синтактик параллелизм, риторик сўроқ, риторик мурожаат ва хитоблар, инверсия, антитеза, жуфт

сўзлар, такрорлар, градация каби воситаларнинг матнда бадиийат ҳосил қилишдаги салмоқли ўрни исботланган;

- Эркин Самандарнинг содда ва мураккаб ташбеҳлар яратишда ўхшатиш манбаси маҳаллий фауна, флора, мифология ва этнографизмларга асосланиб, гўзал ва таъсирчан мисралар яратганлиги ва ўз поэтик фикрини тўлақонли ифодалаганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Эркин Самандар шеъриятида қўлланган поэтик юкка эга синтактик параллелизм, риторик сўрок, риторик мурожаат ва хитоблар, инверсия ходисаси, антитеза, жуфт сўзлар, такрорлар, градация каби ҳамда маънодош, шаклдош ва зид муносабатли лексик воситалар бўйича тўпланган материаллар, уларнинг тадқиқи натижасида чиқарилган хулоса ва талқинлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги, хусусан, лингвопоэтикаси учун муҳим зарурий, илмий маълумот бериши; лингвопоэтика юзасидан тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

Эркин Самандар шеъриятининг бугунги ўзбек адабиётида тутган ўрни, ўзига хослиги, ўзбек тили бойликларидан фойдаланиш маҳоратига оид кузатишлар, таҳлиллар ўзбек тили лексикологияси, лингвопоэтикаси, стилистикасини янги материаллар билан бойитишга хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, тадқиқотда тарихий-қиёсий, семантик-структурал, қиёсий-типологик, этнофольклористик, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Эркин Самандар шеърияти тилининг лингвопоэтик хусусиятлари аниқланганлиги ва шу асосда бадиий матнни интегротив усулда тадқиқ этишнинг назарий асосларига доир янги илмий қарашлар баён этилганлиги, истиқлол даври ўзбек шеъриятини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар яратишда ҳамда замондош шоирлар ижодини лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этишда илмий-назарий манба вазифасини бажаришида кўринади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар ўзбек лингвопоэтикасини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундаги материаллардан «Бадиий таҳлил асослари», «Лингвопоэтика», «Стилистика», «Нутқ маданияти ва услубият асослари» фанлари ҳамда «Ижодкорнинг бадиий маҳорати» каби махсус курсларни ўқитишда; ўзбек шеърияти таҳлилида янгича илмий изланишлар олиб боришда, лингвопоэтика бўйича дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар яратишда, шунингдек, Эркин Самандар асарларининг изоҳли луғатини тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эркин Самандар шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқи юзасидан олинган натижалар асосида:

шоир шеърятининг бугунги ўзбек адабиётида тутган ўрни, ўзига хослиги, ўзбек тили бойликларидан фойдаланиш маҳоратига оид кузатишлар, таҳлиллар асосидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ФА-Г002-сонли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 27 январдаги 36/1-сон маълумотномаси). Натижада, Эркин Самандар шеърятинида ишлатилган маънодош, шаклдош ва зид муносабатли лексик бирликларнинг шеърят бадииятидаги ўрнини ёритиш, ўзлашма лексикага оид поэтизм ва изофавий бирикмаларнинг эмоционал-экспрессивлик хусусиятларини очиб беришдаги ўрнини ёритишга эришилган;

Эркин Самандар шеърятининг ўзига хос ўрнини асослаш ҳамда ижодкор маҳоратини очиб бериш жараёнида чиқарилган хулосалар, жумладан, диссертация ишида қўлланилган мисоллардан шеърый нутқдаги фонетик, лексик ва морфологик воситаларнинг вазифасини тадқиқ қилиш, ўзбек тили луғат бойлигини яратишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган ФА-Ф1-Г005 - рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳаларни бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 27 январдаги 37/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа ўзбек тилининг бой имкониятлари, ўзига хос хусусиятини кўрсатувчи илмий далиллар билан бойиган;

диссертацияда таҳлилга тортилган бадиий тасвир воситаларининг индивидуаллик хусусиятларини очиб бериш асосида олинган хулосалардан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида 2017-2020 йилларда бажарилган Ф3-2016-0908165532-рақамли «Қорақалпоқ тилининг янги алфавити ва имло қоидаларига мувофиқ она тили ва адабиётини ривожлантириш методикаси» номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 7 февралдаги 18-сон маълумотномаси). Натижада ушбу бадиий тасвир воситалар она тили ва адабиёти методикаси тараққиётини кўрсатувчи омил сифатида қайд этилган ва бу хусусидаги назарий фикрларнинг иллюстратив мисоллар билан далилланиш даражаси ортган;

Эркин Самандар шеърятинида қўлланган морфологик ва синтактик ресурсларнинг лингвопоэтик хусусиятлари, улардан ўринли фойдаланиш хусусидаги хулосалардан Хоразм вилояти телерадиокомпанияси томонидан 2022 йил 21 мартда “Мунаввар кун” дастурида, 2020 йил 21 октябрда

“Ассалом, Хоразм” дастурининг “Сухбатдош” рукнида фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 11 октябрдаги 2021-11-10/1365, 1366-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материалнинг мазмуни янада мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан жами 15 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та (2 та хорижий ҳамда 3 та республика журналларида) илмий мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 158 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг “Кириш” қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Эркин Самандарнинг фонопоэтик ва лексик воситалардан фойдаланиш маҳорати**” деб номланган. Мазкур боб икки фаслдан иборат. Биринчи фасл “**Фонопоэтик ва фонографик воситаларнинг шеър бадииятидаги роли**” деб аталади. Инсоният тилида илк бор товушлар пайдо бўлган. Бадиий ижоднинг ибтидоси ҳам сўз-товуш билан узвий алоқадордир. “Ҳақиқатан ҳам, ибтидоий қўшиқдаги асосий нарса ритмдир, шунинг учун ҳам жуда содда қўшиқларнинг сўзлари кўпинча ўша товуш ёки сўзни қайта-қайта такрорлашдан иборатдир”¹⁴.

Товушнинг қайта-қайта такрорланиши ўз-ўзидан фонопоэтик воситаларнинг кўп тарқалган турини – аллитерацияни пайдо қилади.

В.М.Жирмунскийнинг кўрсатишича, туркий халқлар шеърлятидаги аллитерация товушлар такрорига асосланган бўлиб, уларнинг дастлабки кўринишлари Ўрхун ёдгорликларида, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк”ида кўзга ташланади¹⁵. Н.Раҳмонов ҳам Култегин битигтошида

¹⁴ Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Т.: Фан, 1960, 1960. –Б.180.

¹⁵ Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. –Л.: Наука, 1974. – С.663.

аллитерациянинг муҳим бадиий восита эканлиги ҳақида фикр юритган эди¹⁶. Товушлар такрори бадиий матнда қадимдан мусиқийлик, жарангдорликни, ифодавийликни юзага чиқарган. Қадимги туркийдаги буддавийлик, монийлик шеърларида ҳам аллитерациянинг муҳим восита бўлгани ҳақида манбаларда келтирилган¹⁷.

“Адабиётшуносликда аллитерация, ассонанс деб юритиладиган унли ва ундошлар такрори натижасида нутқда юзага келадиган ифодалилиқ”¹⁸ ҳақида гапирадиган бўлсак, Эркин Самандар лирикасида ҳам улар фаол бадиий санъатлардан биридир.

Шоир шеър мисраларида товуш уйғунлигини юзага келтиришнинг консонант (ундошлар такрори), вокал (унлилар такрори) турларидан фойдаланади. Ижодкор шеърларида ундошлар такрори икки кўринишда намоён бўлади. Баъзан аллитерация мисралардаги сўзлар орқали келиб чиқади:

*Хизматингга жонни садқа айлайин,
Сийловингни созга солиб сўйлайин.¹⁹
Жаллод: Жонин жаҳаннамга жўнат.²⁰*

Тилнинг фонопоэтик усуллари доираси анча кенг бўлиб, унинг яна бир кўриниши бадиий матндаги фонографик воситалардир. Ушбу воситалар “...ўқувчи диққатини ўзига қаратиши, ушлаб туриши, тегишли бадиий маънолар билан тўйиниб, тил қонуниятларига таянади ва лингвопоэтиканинг объектига айланади ҳамда бадиий матннинг эстетик идрок этилишини янада қулайлаштиради. Фонографик воситалар бадиий матнда иштирок этар экан, матнга тегишли компонентлар ҳам аудиал, ҳам визуал жиҳатдан идрок этилади”²¹. Эркин Самандар лирикасида фонографик воситалардан самарали фойдаланилган:

*Бугун жума. Миноралар шод,
Ороланмиш гумбазлар гўзал.
Жоме мачит булбуллари ёд,
Чугур-чугур ўқишар газал²².*

Бу такрорнинг ҳам ўз маъноси ва вазифаси бор. Лексик такрорлар оҳангдорлик ҳосил қилиш билан бирга шеърда сўзларнинг жойлашув тамойилларига ҳам риоя қилади. Келтирилган мисоллардаги такрорланган тақлидий сўзлар мисраларнинг исталган ўрнида кела олади. Бундай такрорлар товуш такрори вазифасига ўхшаб кетади. Бундай ҳодиса лингвопоэтиканинг объектларидан бири ҳисобланади. Ёзувчи - сўз заргари, бадиий матнни баён

¹⁶ Раҳмонов Н. Поэтика памятника Кюль тегина: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1984. С 8.

¹⁷ Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2002. –Б. 113.

¹⁸ Маҳмудов Н.М. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т.: Миллий кутубхона, 2007. –Б.165.

¹⁹ Эркин Самандар. Назм нафаси (Сайланма) –Т.: “Turon zamin ziyo”, 2015. –Б. 9.

²⁰ Эркин Самандар. Ўша манба. –Б. 286.

²¹ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Тошкент: O`zbekiston, 2019. –Б.180.

²² Эркин Самандар. Юракка йўл. Шеърлар ва дoston. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б.8.

қилишда шундай рухий ҳолатлар учрайдики, уларни ёзув, ҳикоя қилиш орқали ифодалаш қийин.

Бинобарин, лирика бадииятини юксалтиришда фонопоэтик ва фонографик воситалар ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Шоир улардан самарали фойдалана олган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “*Эркин Самандар лирикаси бадииятида чегараланган лексиканинг аҳамияти*” деб номланади.

Бадиий ижод миллий тилнинг барча сатҳларидан самарали фойдаланишни талаб қилади. Шу боисдан лирикада тасвир тақозоси билан чегараланган лексика (диалектизмлар, историзмлар, архаизмлар), ўз ва ўзлашма сўзлар қатламининг барча бойликлари иштирок этади. Бу йўналиш лингвопоэтик тадқиқот доирасида *поэтик лексикология* деб юритилади.²³

Дастлаб Эркин Самандар лирикасидаги шева унсурларига тўхталганмиз. Тилшуносликда бу соҳа *диалектизмлар* деб юритилади. Ушбу соҳа тадқиқи билан шуғулланган Б.Файзуллаев шундай ёзади: “Айрим сабабларга кўра ва маълум мақсадни кўзлаб адабий тил таркибида қўлланиладиган, унда маълум бир вазифани бажарадиган алоҳида бир диалект ва маҳаллий шеваларнинг фонетик, морфологик ва синтактик хусусиятларини ўзида акс эттирадиган сўз ва сўз бирикмалари диалектизмлардир”²⁴. Эркин Самандар Хоразм фарзанди бўлиб, ўғуз лаҳжасида сўзловчи аҳоли оғушида вояга етган. Шу сабабли унинг шеърларида мазкур шевага оид лексик бирликлар учраб туради:

Наҳордек жилвагар, серноз,

Баҳордек дурмиши пардоз,

Вафодек нодир мумтоз,

*Амудек сержило, лазги*²⁵. (Назм нафаси, 167-бет).

Архаизмлар. Мазкур атама юнон тилидан олинган бўлиб, “қадим”, “қадимги” деган маънога эга. Улар ҳозирги умумхалқ тилида ишлатилмайдиган ва эскириб қолган сўз ва иборалардир²⁶. Эркин Самандар шеърлятида эскирган сўзларнинг турли мавзу гуруҳлари учрайди. Уларни шартли равишда бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Мифологияга алоқадор номлар: *дев, аждар.*

2. Диний тушунчаларга оид сўзлар: *қиёмат.*

3. Турли маиший воқеа-ҳодисаларга оид номлар: *ақча, ганж, тилло.*

4. Архаик изофалар.

Историзмлар. Бадиий адабиёт ўз миллатининг яшаш тарзини, халқ истиқомат қилаётган воқеликни акс эттиради. Шундай экан, бадиий матн таркибида “ҳозирги кунда учрамайдиган, фақат тарихий нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг номини билдирувчи сўзлар историзм (тарихий сўзлар) кўплаб кўзга ташланади. Историзмларнинг архаизмлардан фарқи шундаки, бугунги кунда ўша тарихий воқеликнинг ўзи ҳам, уни англаувчи бошқа лексик бирлик

²³ Рихсиева Г. Лингвопоэтик тадқиқ асослари бўйича мулоҳазалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. –№2. –Б.86.

²⁴ Файзуллаев Б. Диалектизмлар ва уларнинг бадиий адабиётдаги ўрни. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1977. – №4. – Б.35.

²⁵ Эркин Самандар. Назм нафаси (Сайланма) –Тошкент: Турон zamin ziyo, 2015. –Б. 510.

²⁶ Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –Б. 15.

хам бўлмайди, демак, историзм ўзи ифодалаётган ҳодисанинг ягона номидир”²⁷.

Эркин Самандар шеърятининг лексик таркибида кўплаб тарихий сўзлар учрайди. Уларни маъно-мазмунига қараб, бир қанча турларга ажратиш мумкин.

1. Ижтимоий – сиёсий соҳага оид историзмлар (*вазири аъзам, валиаҳд, доруссалтана*).
2. Ҳарбий соҳага оид историзмлар (*навкар, сардор, суворий*).
3. Диний соҳага оид историзмлар (*мадраса, жомъе, мачит*).
4. Тарихий топоним ва гидронимлар (*Кат, Журжон, Жайхун*).
5. Бошқа ҳаётий ҳодисаларга оид историзмлар (*жаллод, пошшоб, маҳрам*).

Биринчи бобнинг учинчи фасли *“Шоир шеърятинида луғавий бирликлар лингвопоэтикаси”* деб аталади. Ёзувчи маҳоратининг асосий мезони бадиий асарда сўз қўллаш ва уларнинг маънодорлик хусусиятларидан самарали фойдаланиши билан ўлчанади. Зотан, “Адабий асарлар тилида лексик бирликлар ўзининг кенг жилоларини намойиш қила олади”²⁸. Шулардан бири маънодош сўзлардир.

Маънодош сўзлар лингвопоэтикаси. Ўзбек тили туркий тиллар орасида энг бой ва мукамал луғавий захирага эга бўлиб, унинг таркибида маънодош сўзларнинг ранг-баранг турлари учрайди. Синонимлар луғавий бирликларда ҳам, грамматик бирликларда ҳам учрайди. Луғавий синонимлар ўз хусусиятларига кўра *лексик, фразеологик ва лексик-фразеологик* каби турларга бўлинади. Эркин Самандар ижодида лексик синонимлар кўпроқ учрайди.

*Мен чин захмат ҳақда ўйладим,
Рағбат, гайрат ҳақда ўйладим,
Оғир меҳнат ҳақда ўйладим,
Бахт ҳақида ўйлашдан аввал*²⁹.

Бинобарин, ёзувчи тилида маънодош сўзларнинг кўп бўлиши бадиий нутқнинг ҳиссий-эстетик функциясини янада юксалтиришга ёрдам беради, луғат бойлигини оширади.

Ўзаро зид (антитеза) сўзлар. Лексикамизда зид маъноли сўзларнинг мавжудлиги бадиий нутқнинг мукамал чиқишида катта ўрин тутади. Адабиётда уни, асосан, тазод шаклида қўллашади. “Бу санъатнинг номи тарихий поэтикага доир асарларда бир хил эмас. Жумладан, Халил Ибн Аҳмад уни **мутобиқа** деб атаган бўлса, “Таржимон ул-балоға”да мустазод, “Ҳадоиқ – ус-сеҳр”, “Арузи Ҳумоюн”, “Жамъи мухтасар”, “Илми бадеъ дар забони форси” каби асарларда эса **тазод** тарзида учрайди”³⁰.

Антонимлар бадиий тасвирда катта аҳамиятга эга. Улар фикрни таъсирли ва ифодали қилади. Шунинг учун ҳам улар кўпинча публицистик ва

²⁷ Ўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент, 2006. –Б.58.

²⁸ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фанлари докт. ... дисс. –Тошкент, 1993. –Б.29.

²⁹ Эркин Самандар. Бу боғни не боғ дерлар. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1982.

³⁰ Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Тошкент: “Zarqalam”, 2006. –Б.65.

бадий услубда ишлатилади. Мазкур усулдаги тасвирда ёзувчи ёки шоир бирор шахс ёки воқеа ҳақида маълумот беради ва бу шахс ёки воқеага нисбатан китобхонда симпатия ёки антипатия уйғотади³¹. Тилшуносликда ўзаро зид сўзлар антоним атамаси билан юритилиб, улар лексик ва окказионал (узуал маъно) турларга бўлинади. Эркин Самандар шеъриятида уларнинг ҳар иккала кўриниши ҳам фаол қўлланилган.

*Кўнгилни оқ тутар одам сараси,
Бир қадам оқ билан қора ораси.
Яхшилик яхшидир, дилга қанотдир,
Яхшилар дилига ёмонлик ётдир*³².

“Контекстуал антонимлар нутқ жараёнида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам уларда муайян қолип тез-тез ўзгариб туради. Контекстуал антонимлар ўз семантик структурасидаги бирор семанинг бошқа сўз семантик структурасидаги шунга қарама-қарши семасига зид қўйилиши натижасида пайдо бўлади³³. Ижодкор воқеани очиб бериш, унинг ижобий ва салбий томонларини баҳолаш учун тилнинг турли услубий хусусиятларидан фойдаланади:

*Богда тўти, зог ҳам бор,
Ойда кўрк ҳам, доғ ҳам бор.
Сўраб эрдим, қувонч созин висол богида сайрат деб,
Фироқ торини чалдинг-ку, бўлар энди, бўлар энди*³⁴.

Омоним – шаклдош сўзлар. Омонимлар синонимларнинг акси – шаклдош сўзлардир. Омонимия ҳодисаси матнда сўз ўйинини ҳосил қилиб, халқ ижодиёти, мумтоз ва ҳозирги адабиётда шеърини санъатнинг бир кўриниши сифатида азалдан қўлланилиб келмоқда. Мумтоз адабиётда ҳам жинс, жинсдош сўзлар *тажнис* деб юритилади.

Туюқ жанри тўлалигича тажнис санъатига асослангандир. Эркин Самандар ҳам туюқ жанрида қаламини синаб кўрган. Унинг сайланма асарларида саккизта туюқ жанрига мансуб тўртликлари эълон қилинган:

*Ёлқинли фасл бу, тўкин –сочин ёз,
Чорлайди бог-роғлар, дил чигилинг ёз.
Қиш бўйи тиллашдим мен қалам билан,
Ёзни кутган шоир, навбат сенга, ёз.*

Шоир биринчи мисрада ёз фасли, иккинчида “дил чигилини ёзмоқ” маъносини, тўртинчи мисрада эса “хат ёзмоқ”ни англатади.

Эркин Самандарнинг шеърини ижоди барча бадий-эстетик талабларга тўла жавоб беради. Унинг лексик бойлиги кенг ва ранг –барангдир.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Эркин Самандар лирикасида морфологик ва синтактик ресурсларнинг ишлатилиш тамойиллари**” бўлиб, биринчи фасл “**Шоирнинг морфологик ресурслардан фойдаланиши**

³¹ Қиличев Э. Антонимларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1984. –№2. –Б.57.

³² Эркин Самандар. Бу боғни қайси боғ дерлар. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1982. –Б. 12-13.

³³ Қиличев Э. Кўрсатилган мақола. –Б.57.

³⁴ Эркин Самандар. Бу боғни қайси боғ дерлар. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1982. –Б. 6-55.

маҳорати”га бағишланган. Бадий нутқнинг асосий таянчи сўздир. Бирок ўша сўзга турлича либос кийдирадиган соҳа морфологиядир. Лингвопоэтик таҳлилда бу вазифа билан поэтик морфемика шуғулланади. Бу нафақат морфемика, балки морфология ва сўз ясаши бўйича таҳлиллари ҳам ўз ичига олган ниҳоятда кенг йўналиш бўлиб, қизиқарли тадқиқотларга сабаб бўлади³⁵.

Сўз туркумларининг ҳар бири ўзининг морфологик қурилиши билан турли стилистик товланишларига эга. Айниқса, қўшимчалар сўз семантикасини ранг-баранг товланишларга юз буришини таъминлайди. Масалан, “...Сўз ўзгартирувчи аффикслар турли хил синтактик муносабатларни кўрсатиш билан бирга ҳар хил маъно нозикликларини, сўзлар ўртасидаги муносабатларни кўрсатиб келади”³⁶. Эркин Самандар шеърлятида қўшимчалар орқали услубий маъно яратишга кенг аҳамият берилган:

Юрсак-да, ўтирсак ёдимизда Сиз.

*Сизнингсиз кўнглимиз ўксик ва мажруҳ*³⁷.

Мисолда **Сизсиз** сўзи ўрнига **Сизнингсиз** шаклининг қўлланишида юксак ҳурмат ҳисси кучайтириб берилган. Ундан олдинги мисрада Сиз сўзининг бош ҳарф билан ёзилишида ҳам фонографик услуб қўлланилиб, ҳурмат маъноси ифодаланган.

Сон туркумига оид сўзларда ҳам поэтик актуаллашиш хусусиятлари намоён бўлади:

Минг офат, минг бало бошимда.

*Сенинг жонинг бир эмас, мингдир...*³⁸

Минг сони кўпликни муболағали тарзда бўрттириб кўрсатиши билан мисраларда поэтик руҳ ҳосил қилган.

Умуман олганда, шоир шеърларида такрорий сўзлар қўшимча олмасдан ёнма-ён ҳолда бирикадилар. Такрорнинг морфологик шакллари орасида бу кўриниш **эпаналепсис** усули деб юритилади³⁹. Эркин Самандар шеърлятида бу усул кенг доирани ташкил этади. Уларни маълум тасниф асосида кўриб чиқишга тўғри келади.

1. Руҳий ҳолатни ифодалаш:

*Маъюс-маъюс тўлғонасан, телмурасан, толасан,
Ғамхонага тушиб қолган кўноқмисан Қорақум?*⁴⁰.

2. Кўпликни ифодалаш:

*Кўнглингизда саф-саф бўлиб турсинлар сўзлар*⁴¹.

3. Манзарани ифодалаш:

³⁵ Рихсиева Г. Лингвопоэтик тадқиқот асослари бўйича мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2003. – №2. – Б. 86.

³⁶ Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи II қисм. –Самарқанд: Университет, 2006. – Б.5.

³⁷ Эркин Самандар. Қабул соатлари. –Тошкент: Ёш гвардия, 1980. –Б.48.

³⁸ Эркин Самандар. Юракка йўл. Шеърлар ва дoston. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 59,83,98.

³⁹ Жуманазарова Г. Халқ дostonларида сажъ ва такрорнинг лингвопоэтик имкониятлари. –Тошкент: Тафаккур, 2011. –Б.24.

⁴⁰ Эркин Самандар. Юракка йўл. Шеърлар ва дoston. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 40-100.

⁴¹ Эркин Самандар. Назм нафаси (Сайланма). –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. –Б. 355.

*Заррин – заррин шуълалари йиртиб булутни,
Бизга етиб келажаклар саболар яна⁴².*

4. Юксак кайфиятни ифодалаш:

*Сочларингни ўйноқлатиб куласан шўх-шўх,
Ғамзаларинг ўқин отиб куласан шўх-шўх⁴³.*

4. Қатъиятни ифодалаш:

*Кўкка қаранг ўша-ўша нур,
Ўша-ўша ўн беш кунлик ой⁴⁴.*

Шоир шеърляти бадииятида жуфт сўзлар захираси ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ижодкор ҳар бир жуфтлик бирикмасини муҳим бир маъно ташишга сафарбар қилади. Мазкур тоифа сўзларни қуйидаги гуруҳлар бўйича тасниф қилиш мумкин:

1. Маъноси ўзаро яқин жуфт сўзлар:

*Бир оҳанг таралди саҳар – субҳидам
Бағрида ёнарди унинг ғам-алам⁴⁵.*

2. Бир-бирига яқин предмет-ҳодисаларни англатувчи жуфт сўзлар:

*Дунё ўсди, ўзгарди олам,
Минг кашфиёт бор илм – фанда⁴⁶.*

3. Зид компонентли жуфт сўзлар:

*Ўзи оддий темирчидир қишлоқда,
Лекин номи машҳур яқин-йироқда⁴⁷.*

4. Бутун ва бўлакни англатувчи жуфт сўзлар:

*Яшай олмас лочин қафасда,
Ирганади булбул чўп – хасда⁴⁸.*

Жуфт сўзларнинг бутун ва бўлакни англатувчи турлари маъно кўламдорлигини оширади. Бундай олиб қараганда, жуфт сўзлар, такрорий сўзлар бир-бирига маъно кучайтириш жиҳатидан жуда яқин келади. Морфологиядаги ушбу унсурлар луғавий бирлик сифатида лексикологияга, бирикиш жиҳатидан синтактик ҳодисаларга яқин туради. Лингвопоэтик жиҳатдан олганда, улар умумийлик касб этиб, лисоний поэтикани, яъни поэтик морфемикани ташкил этади. Морфология доирасида ишлатиладиган сўзлар лисоний бадииятда кўп қирралиги билан ажралиб туради.

Иккинчи бобнинг навбатдаги фасли **Синтактик ресурсларнинг экспрессивликни таъминлашдаги роли** деб аталган. Бадиий нутқда экспрессив – эмоционал руҳнинг шаклланишида синтактик ресурсларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Инверсия, риторик сўроқ ва мурожаатларнинг эмоционал – экспрессивлик хусусиятлари юксак эмоционаллик асосида юзага

⁴² Эркин Самандар. Кўрсатилган манба. –Б. 240.

⁴³ Эркин Самандар. Кўрсатилган манба. –Б. 163.

⁴⁴ Эркин Самандар. Кўрсатилган манба. –Б. 23.

⁴⁵ Эркин Самандар. Бу боғни қайси боғ дерлар. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1982. –Б. 100.

⁴⁶ Эркин Самандар. Юракка йўл. Шеърлар ва дoston. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 48.

⁴⁷ Эркин Самандар. Бу боғни қайси боғ дерлар. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1982. –Б.160.

⁴⁸ Эркин Самандар. Юракка йўл. Шеърлар ва дoston. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 135.

келади. Ижодкор муайян бир мақсадни кўзлаб, гапдаги сўзлар тартибини ўзгартиради. Натижада гап бўлаклари инверсияга учраб махсус интонация орқали амалга ошади⁴⁹. Инверсия ҳодисасини ўрганиш нутқ маданияти, стилистика, бадий асарлар тилини ўрганиш каби филологик илмнинг кам ўрганилган соҳаларини тўлдиради⁵⁰. Албатта, бадий асарда гапдаги нормал грамматик тартибнинг бузилиши муайян мақсадларда амалга оширилади. Бунда, биринчи навбатда, ифоданинг кутилмаган тарзда берилиши, поэтик фикрнинг оддий тартибда сўник ҳолда эмас, балки жонли ва ёрқин чиқишига имкон бериши назарда тутилади⁵¹. Эркин Самандарнинг аксарият шеърларида инверсия усули қўлланилиб, фавқулодда оҳангдор ифодалар вужудга келтирилади:

*Ўрик гули силкинар елда,
Ёр энтикар, қилар хиргойи
Икки зулфи ястанган белда
Ҳилтирайди эгнида шойи*⁵².

Инверсиялар матнда турли эмоционал – экспрессив вазиятни юзага келтиради:

1. Лирик қаҳрамоннинг самимий эътирофини изҳор қилишни ифодалашга хизмат қилади:

*Мен сенга сизинмоқ истайман, одам,
Бош эгмоқ истайман заковатингга.
Сенсан, жоним жаҳоним
Заминим ва осмоним*⁵³.

2. Лирик қаҳрамоннинг таассуф, ачиниш каби кайфиятларини ёритишга ёрдам беради:

*Салом алик, таъзим тавозе –
Йўқолди бу удум шаҳарда.*

3. Матнда афсус, надомат, изтироб, ғазаб оҳанглари кучайтиради:

*Ёрилмайди, нечун ер-осмон,
Кул бўлмайдур нечун бул даврон*⁵⁴.

4. Сўзловчининг фахр-ифтихор туйғулари, самимиятини рўёбга чиқаради:

*Чиқди Рустам дostonлар,
Ёдлар замин –замонлар.*

5. Сўзловчи қалбидаги юксак ҳурмат, эътироф ва олқиш оҳанглари кучайтиради:

Сен ўзинг закийсан, эй, мовий қуёш,

⁴⁹ Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи. II қисм. –Самарқанд: “Университет”, 2006. –Б.144.

⁵⁰ Хайитметов К. Инверсия в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Тошкент, 1967. –С.4.

⁵¹ Неъматуллаев Ф. Инверсия –поэтик ходиса сифатида. // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2006. –№3. –Б.55.

⁵² Эркин Самандар. Назм нафаси (Сайланма). –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. –Б.9.

⁵³ Эркин Самандар. Юракка йўл. Шеърлар ва дoston. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 39.

⁵⁴ Эркин Самандар. Юракка йўл. Шеърлар ва дoston. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 42-136.

*Қақроқ биёбонга **ато айла** жон⁵⁵.*

Мисоллардан кўринадики, инверсия орқали ҳосил бўлган конструкцияларда мамнунлик, ғамгинлик, хайрихоҳлик, ачиниш, ялиниш, дўқ-пўписа, илтижо, такаллуф, таажжуб каби кўплаб инсонга хос бўлган ҳис-ҳаяжон туйғулари намоён бўлади.

Риторик сўроқ ва мурожаатлар. Мазкур восита адиб ижодида қаҳрамоннинг хайратланиши, қувончи, ажабланиши, шубҳа ва гумонсираши, ғазаб ва нафратини ифодалаш каби кўплаб вазифаларда қўлланади. Айниқса, риторик сўроқ гаплар қаҳрамон ва муаллифнинг ички ва ташқи нутқларида, монологик ва диалогик нутқларда кенг қўлланилади⁵⁶.

Эркин Самандар шеърлятида поэтик синтаксиснинг мазкур усулидан ҳам самарали фойдаланилган. Сўроқ гапларнинг ҳамма турлари, шу жумладан, риторик сўроқ гаплар ҳам уч хил йўл билан ҳосил бўлади:

1. Сўроқ олмошлари иштирокида.
2. Сўроқ юкламалари орқали.
3. Интонация ёрдамида⁵⁷.

Биз таҳлил қилаётган шеърлятда ҳам ўша ҳолат кузатилади. Шоир ўз шеърлярида доно фикрлар, фалсафий ғояларни риторик сўроқ қобигига буркаган ҳолда ифодалайди:

*Занглармиди, олтин тупроқда,
Сўнармиди вафо фироқд⁵⁸.*

Эркин Самандарнинг ишқий шеърлярида ҳам риторик сўроқ воситасида таъсирчан мисралар яратилган:

*Шунчалар иффат бўлурми юзда ҳам,
Шуъла шунча чарх урарми кўзда ҳам⁵⁹.*

Иккинчи бобнинг учинчи фасли “**Эркин Самандар шеърлятида анафора, инфора, эпифора ва градация усули**” деб аталган.

Такрор санъатига асосланган синтактик бирликлар шоир шеърлятида фаол қўлланилади. Улардан бири анафора бўлиб, мисралар бошида келиб, товуш оҳангдорлигини юксалтиради ва тингловчи эътиборини ўзига жалб этади. У “бадий нутқ таъсирчанлигини ошириш ва матнда кучли таъкидни ифодалаш учун хизмат қилади⁶⁰. Эркин Самандар шеърлятида анафоранинг гўзал намуналари берилган. Улар мисраларда оҳангдорликни кучайтириш билан бирга, шеърдаги ўйноқлик, маънодорликни рўёбга чиқаришда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат этади.

Дастлаб анафора хусусида сўз юритсак, у эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол каби гап бўлаклари сифатида келиши мумкин.

⁵⁵ Эркин Самандар. Бу боғни қайси боғ дерлар. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1982. –Б. 7, 94, 104.

⁵⁶ Тошхўжаева Ш.Риторик сўроқ гаплар лингвопоэтикаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 2016. –№3. –Б.82.

⁵⁷ Абдуллаев А. Риторик сўроқ гаплар эмоционал –экспрессив фикр ифодалаш воситаси сифатида. // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1974. –№4. –Б.47.

⁵⁸ Эркин Самандар. Бу боғни қайси боғ дерлар. –Тошкент: “Адабиёт ва санъат”, 1982. –Б. 30.

⁵⁹ Эркин Самандар. Юракка йўл. Шеърлар ва дoston. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б. 8.

⁶⁰ Жуманазарова Г. Халқ дostonларида сажъ ва такрорнинг лингвопоэтик имкониятлари. –Тошкент: “Тафаккур”, 2011. –Б.26.

1. Анафоранинг эга вазифасида келиши:

*Мен ўзингга қайтаргаймен овозларингни,
Мен онамен, қудратимга менинг поён йўқ*⁶¹.

2. Анафоранинг кесим вазифасида келиши:

*Кўрдим нафис гулда ҳарорат,
Кўрдим дардсиз дилда ҳаловат*⁶².

3. Анафоранинг аниқловчи вазифасида берилиши. Аниқловчиларнинг мисра бошига чиқишида муайян мақсад кўзда тутилади:

*Шундай тиниқ, шундай беғубор,
Шундай созки, йўқдир қиёси*⁶³.

4. Тўлдирувчи сифатида берилган анафоралар. Тўлдирувчи шеърий мисраларнинг конструктив бўлаги сифатида турли қолипларда, турли семантик-синтактик вариантлар орқали ифодаланади.

*Менга у нур эрур кўзда,
Менга у жон эрур танда*⁶⁴.

5. Анафоранинг ҳол вазифасида берилиши. Гап бўлаклари орасида ҳол ўз зиммасига анча кўпроқ вазифаларни олиб, асосан, предикат олдида келади.

*Қум бағрида сукунат ҳоким,
Қум бағрида ухлар шаҳидлар*⁶⁵.

Шеъриятда анафора билан бирга **инфора** ва **эпифора** шакллари ҳам қўлланилади.

Инфора мисраларнинг ўртасида ишлатилади ҳамда ўша жойда такрорланадиган сўзга мантикий урғу бериб, оҳангдорликни кучайтиради. Мазкур синтактик усул анафора ва эпифораларга қараганда анча кам ишлатилади. Эркин Самандар ижодида инфоралар камроқ кўзга ташланади.

*Рухим менинг мавждарга чанқоқ,
Қалбим менинг ташна тугёнга*⁶⁶.

Шоир лирик қаҳрамоннинг ҳиссий оламини кўтаринки руҳда ифодалаш учун инфорага мурожаат қилади. Бинобарин, инфора усули ҳам такрор санъатига дахлдор бўлганлиги сабабли анафорага ўхшаб, таъкид оҳангини юзага келтиришда бадий таянч вазифасини ўтайди.

